ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2025/ № 4,1

Termiz – 2025

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 19-oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.10.2025
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Baxtiyor Xolmuxamedov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Alibek Omonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.10.2025
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бахтиёр Холмухамедов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Алибек Омонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.10.2025
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Kholmukhamedov, doct. of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Alibek Omonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

М У Н Д А Р И Ж А

TILSHUNOSLIK

DARVISHOV IBROHIM
Shevalardagi ayrim fonetik-fonologik belgilar
(Janubi-g‘arbiy Namangan qipchoq shevalari misolida) 7

ПАНЖИЕВА НАСИБА НАРМАХМАТОВНА
Теория концептуальной интеграции как
инструмент анализа стилистических приёмов 10

QO‘ZIYEV UMIDJON YANDASHALIYEVICH,
QO‘CHQORALIYEVA FOTIMA ZOKIRJON QIZI
Til kontakti va so‘z o‘zlashuvi muammolari 13

BEGMATOVA GULCHEHRA
«Qush» semantik komponentli idiomalar tadqiqiga doir kuzatishlar 16

QAZAQOVA NOZIMA ABDULBOQIYEVNA,
HAMRAYEVA YORQINOY NABIJANOVNA
Matn kommunikativ-pragmatik tahlilining asosiy tamoyillari 19

SHAMSUDINOVA IKHBOL
Yordamchi so‘zlar bazasini yaratishda reprezentativlikning ahamiyati 23

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Nutqda paremiyalarga xos milliy-madaniy konseptlarning ifodalanishi 27

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ
Теоретические аспекты соотношения фрейма и концепта 31

KULTAYEVA FAZILAT
Hududiy ergonimlarning leksik-semantik tabiati 34

RAXMANOV BOTIR ABDURASULOVICH
Surxondaryo dialektal- etnografik leksikasida turli din va madaniyat belgilari 38

QODIROVA MUKADDAS TOG‘AYEVNA
Biznes diskursini sinergetik yondashuvda o‘rganish masalasi 41

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar haqida ba’zi mulohazalar 45

ЗАРИПОВА МАТЛУБА КУЛФИДИНОВНА
Тенденции негативной оценки в узбекских и русских пословицах 48

TURDALIYEV OLIMJON FAYZULLAJON O‘G‘LI
Ogahiy tarjimasidagi «Guliston» asarida qo‘shma fe’llarning berilishi 52

FARMONOVA UMIDA MAXSUTALIYEVNA
«Qisasi Rabg‘uziy» asarida qo‘llangan frazemalarning lingvostatistik
tahlili va keyingi davr tiliga munosabati 55

XASANOVA KAMILA BAXTIYOROVNA
Etnografik leksika va stereotiplar 58

DARVISHALIYEVA MAHLIYO RUSTAMALI QIZI
Mahmud Koshg‘ariy davri turkiy til va hozirgi Namangan
qipchoq shevalari fonetik xususiyatlari 61

МУНДАРИЖА

USMONALIYEV SHAHBOZ
O‘zbek tilshunosligida teonimlarning tadqiqi: muammolar va yechimlar 64

MAMIROVA XAYRINISO KOMILJON QIZI
Birinchi tilni o‘zlashtirishga oid nazariyalar 66

XOLMURODOVA SUMBULA NORMO‘MIN QIZI
Tog‘ay Murod asarlari asosida mualliflik korpusini yaratish asoslari va bosqichlari..... 70

IBRAGIMOV YULDASH MATKARIMOVICH
Qoraqalpog‘iston o‘zbek shevalari leksikasi tadqiqi masalasi 72

ADABIYOTSHUNOSLIK

РЎЗИҚУЛ МУСТАФОҚУЛОВ,
НАФОСАТ САЙФИДДИНОВА,
Икки дарё оқиб ўтди..... 75

SHUKUROV AHAD
Satrlarga sig‘mas so‘zlarim… 81

АМАНЖОЛОВА ДЖЕММА БОЛАТОВНА,
ШАЙМЕРДЕНОВА НУРСУЛУ ЖАМАЛБЕКОВНА
От устной традиции к цифровому архиву: сохранение и популяризация тюркского эпоса в XXI веке… 83

KARIMOV OBIDJON
Alisher Navoiy irfoniy olamining yangicha talqini..... 87

КАДИРОВА ОЛИЯ ХАМЕДОВНА
Литература как пространство идентичности: диалог русской и узбекской малой прозы в постсоветскую эпоху… 90

ПУЛАТОВА САЙЁРА ЮЛДАШОВНА
Проблемы и достижения в переводе «Улисса» на узбекский язык…..... 93

UMAROV BOBOQAND IKROMOVICH,
Xurshid Davron she’riyatida ijtimoiy iztirob va ruhiy yolg‘izlik 97

KARJAVUV G‘OLIB AZAMAT O‘G‘LI
Muhammad Sharif Gulxaniyning masalchilikdagi badiiy mahorati…..... 100

UMARALIYAVA NAFISA QURBONALI QIZI
Zamon va shaxs ruhiyatining obrazlar orqali akslanishi…..... 104

BERDIBOYEV ULUG‘BEK SOATBOY O‘G‘LI
Tipologik talqin: adabiy tafakkur, poetik idrok, matn stlistikasi munosabati… 107

DUYSENBAYEV OLIMJON ISMAILOVICH
Romanda syujet va xarakter dinamikasi… 109

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2025; 10
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ИККИ ДАРЁ ОҚИБ ЎТДИ

Рўзиқул Мустафоқулов,
филология фанлари номзоди, доцент

Нафосат Сайфиддинова,
Термиз давлат педагогика институти магистранти





Ижод – бу инсон руҳининг энг юксак парвози, тафаккур ва туйғуларнинг уйғун куйидир. У юракдаги кечинмаларни сўзга, фикрни эса маънога айлантирувчи сеҳрли жараён. Ижодкор қалби билан кўради, сўзи билан ҳис эттиради, асари билан эса жамиятни ўзгартира олади. Ҳар бир даврнинг руҳи, халқнинг орзуси ва инсониятнинг умиди – ижодда акс этади. Шу боис ижод – нафақат санъат, балки ҳаётнинг ўзи, инсонни инсон қилувчи илоҳий қудратдир. Ана шундай асл ижодкорлар эса ҳеч қачон ўлмайди. Ижоди, санъати билан қалбларда мангу яшайди.

Юраги, қалби алп эди. Беш кунлик дунёнинг беш кунлик меҳмонларидан икки ижодкор ака-ука Чорша бахши ва Шафоат Раҳматуллаевлар ҳам айни таърифларимизга мос келадиган қаҳрамонлардир. Чорша бахши токи умрининг охирига қадар «Алпомиш»дан, элнинг афсонавий ботирларидан достон, термалар айтиб яшади. Гарчанд, ўзи алпқомат бўлмаса-да, юраги, қалби алп эди, битганлари ҳам алп эди. Чорша бахши асли ўзини мол-дунёдан устун қўйди. Ҳувайдонинг машҳур байти бор: «Тепиб ўт дунё молини, ҳамма ранжу фалокатдур». Худди шундай Чорша бахши дунё молини тепиб ўтди десак, хато қилмаган бўламиз. Бахшининг ҳаётлик вақтида Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси Маҳмуд Абулфайз билан Чоршанби бахши яшаётган уйга бордик[1]. Бизни кўриб, шу қадар суюндики, бахшининг бу суюнгани сафарга кетган отасини илҳақ ва мунтазир кутаётган олти-етти яшар боланинг соғинчли ҳолатига жуда-жуда ўхшарди. Биз шундан англадикки, Чорша бахши ҳамиша кимнидир соғинч билан кутиб яшаркан. Аввал гўдак, охир гўдак деганлари ҳам шу Чорша бахши эди.

«Ёзганларим тилда бўлса, бир давлат». Қаерга борсангиз ҳам суҳбатдошингизга эътибор берасиз-да. Ўшанда етмишга кираётган Чорша бахшининг қадди букчайган эди. Бизга қоқсуяк қўллари билан шу қадар ажойиб куйлар чалиб бердики, асти қўяверасиз. Дўмбиранинг оҳангларига чайқалиб, ўзи ҳам бори дунёни бир зум унутгандек бўлди.

Чорша бахши дарё бахши эди. Бу дарёдан қанча-қанча бахшилар бемалол баҳраманд бўлар эдилар. Шу борганимизда гурунг орасида билдикки, Чорша бахшидан айрим бахшилар янги терма, достонлардан олиб кетишаркан.

Бахшилар бор (баъзан) тўданинг ичида бир терма ёки достондан амаллаб айтиб ўткизади. Бундайларнинг тамомила акси бўлган Чорша бахши эса бирор тўйда тонг оттирмай қайтмади из-

[1] 1995 йил 15 майдаги суҳбатимиздан.

затга етмасалар, бировга таъна ҳам қилган эмас.

– Яқинда фалон бахши келиб қўлёзмаларимдан ёзиб олиб кетди, – деди гап орасида Чорша бахши таниқли бахшилардан бирининг номини тилга олиб.

– Буниси қандай бўлади? – сўрадик бахшидан, – ёзилган нарсалар сизники бўлса-ю, бошқалар эгалик қиладими? Ёки қалам ҳақини беришадими?..

– Гўрдами, – деди тишлари аллақачон тарк этиб кетган оғзини очиб самимий куларкан бахши – одати шу – қўлёзма-ю, хотираларимни ёзиб олади. Укалар, менинг ёзганларим бошқа бахшиларнинг тилида бўлса ҳамки, эл ичида айтилаётганининг ўзи катта бир давлат.

Шундай, Чорша бахши дарё бахши эди. Бу дарёдан истаган бахши-шоир хоҳлаганича сув ичиб кета берар эди. Яна бир бахшининг уйига борганимизда Ўзбекистон журналистлар уюшмаси азоси Тожиддин Раззоқ шундай таклиф қилганди. Тақсирлар, Чорша бахши ҳақида олтмиш-етмиш бетлик рисола ёзиб ташланг, бахши бобо қарибди. Фурсатни қўлдан бой берманг. Эсингиздан чиқмасин, тақсир, Чорша бахшини сиз билан бизга боғлаб бергани йўқ[1], – Тожиддин Раззоқ ҳақ экан. Чорша бахшини ҳам боғлаб қўйгани йўқ экан. «Ҳайё-ҳуйт» деб дунёдан ўтди-кетди. Қилинажак суҳбатлар ҳам, ёзилажак рисола ҳам қолди-кетди. Ўша борганимизда Чорша бахши чеҳраси очилиб, дўмбира чалди, терма айтди:

Лойдан хамир ясаб, кулча ёпганим,
Седана деб шағал-қумдан сепганим,
Ўтган йўловчига тоши-кесак отганим,
Эртадан кечгача от бўп чопганим.

Бу сатрлар унинг «Болалик чоғларимда» деб номланган термасидан эди. Дўмбира оҳангига бутун вужуди чайқалиб бахши давом этарди: Худо бермаган бахшининг куйлаган термаси, ё шеъри шоирлар қолипига тўғри келмайди. Бу талаблар Чорша бахшида мужасам эди.

Майса узра ағнаб ётганим,
Қўй-қўзини мақтаб қўшиқ айтганим,
Таёғимни дўмбира қиб чертганим,
Молди чўлга ташлаб, шаҳар кетганим.
Кўз олдимдан сира узоқ кетмайди.
Ҳамсоямиз қизин эрга бергани,
Қизнинг ёши ўттизларга етгани,
«Ҳали ёшман, тегмайман!» деб тургани,
Энасининг ўқлов билан ургани,
«Шукур қил!» деб жийронга миндиргани,
Кўз олдимдан сира узоқ кетмайди[2].

Бахшидан не қолди? Бахшининг болалиги Шероботдаги Ўланбулоқдан сув ичиб Оқтўқайнинг дарёсини кечиб, Бўстонсойнинг қирраларидан қўй-эчки боқиб, бамисоли шамолдек учиб ўтди. Бахшига нима қолди бу азиз умридан? Бир ҳовуч болалик хотиралари ва Сурхон даштларидек кенг, поёнсиз хаёл мулки қолди. Бахши умр бўйи ана шу хаёл ва хотира мулки билан яшади, шуларнинг ёди, кўмаги билан ўнлаб достонлар, юзлаб термалар битди.

Чорша бахши ўта ёдкаш бахши эди. Ўтган-кетган кўп гаплардан хабари бор эди. Шерободда 1780 йилларда Бобо шоир яшаб ўтган. Бобо шоир кўп чечан, овози ширали ва фавқулотда хотираси ўткир, ёдкаш инсон бўлган дейишади. Ана шу бахши-шоир ўзидан олдинги ўн олти пуштини ёд билган ва уларни термага солиб айтиб юргар экан. Бу далилнинг бир таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, Бобо шоирнинг ўтган ўн олти пушти-аждоди ҳам тили бурро бахши-шоир бўлиб ўтишган. Айтадиларки, уларнинг бари Алпомишдан Гўрўғлидан айтишган. Раҳматли Чорша бахши Бобо шоир ҳақида термалар ҳам айтиб юрарди[3].

Чорша бахши хокисор одам эди. Давраларда қатнашиб, гурунгларда ўтириб камтар бўлди. Ўзини бир хил, бир хил бахшиларга ўхшатиб, олдинга ҳа деб уравермади. Одамлардан кўп иззат ҳам талаб қилмади. «Мени иззат қилишмади, раъйимга қарашмади», деб хафа ҳам бўлмади. Дуч келган ердан айтиб ҳам юрмади. Балки... одамзотни билиб бўладими – ранжиган бўлса ҳам ҳеч қачон билдирмагандир. Лекин нима бўлганда ҳам хокисорлик, камтарлик Чорша бахшига хос ва унга баҳосиз зийнат ҳам эди. У ана шу зийнатлар билан оламдан ўтди-кетди. У эл бахшиси қандай бўлиши лозим эканлигини ёш бахшиларга насихат сифатида айтиб кетди.

Бор бойлиги дўмбираю сўз. Бу дунёда ғарибнинг, камбағал одамнинг сўровчиси, изловчиси, харидори кўп бўлмайди. Хусусан, Чорша бахшини ҳам сийлаб, иззатига етганларимиз йўқ. Кўриб юрибмиз, эшитиб юрибмиз: бир идора, ташкилотнинг борини йўқ қилиб, яхшисини ёмон қилиб, яхши ходимларни беқадр қилиб, харом пул топиб, бир амаллаб элликка ёки олтмишга кирган баъзи раҳбарларнинг юбилейлари катта тантана, байрамга айланиб кетади. Бундай сохта хизмат кўрсатганларнинг юбилей дастурхонларига анқонинг тухумига қадар келтириб қўйишади. Биз гап юритаётган Чорша бахши элликка кирганида биров «кимсан» демади. Олтмишга кирди, би-

[1] 1998 йил Чорша бахши хонадонида суҳбатдан.
[2] Мустафоқулов Р.Б. Терма ва достонлар талқини. – Термиз: ТерДУ ИММ нашриёти, 2023. – Б.20.
[3] Мустафоқулов Р.Б. Терма ва достонлар талқини. – Термиз: ТерДУ ИММ нашриёти, 2023. – Б.60.

ров «ҳолинг нима» демади. Мункиллаб етмишга кирганида ҳам «Чорша бахши, сиз ким эдингиз?» деб биров бир оғиз ҳам сўрамади. Ана шундай: Чорша бахшига Тожиддин Раззоқ мафтун бўлган, Шафоат шоирни тан олдирган, Ўзбекистон халқ бахшиларини қойил қолдирган ва мудом сояси тегиб турган танти, алп юракли ва кўп сахий, бахши эди.

Чорша бахши бой шоир эди Пулдан, қўй-қўзидан, гилам-кигиздан, уй-жойдан деманг. Йўқ, йўқ, асло йўқ. Чорша бахши достондан термадан сўздан бой-бадавлат одам эди. Одамлар бахшилар дўмбирасини чертиб, сўзларни келиштириб, қофиядаги сўзларни ҳам жонлантириб кетаверади деб ўйлайди. Йўқ ундай эмас. Ҳақиқий бахши ўзбек шеъриятининг барча қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда куйлайди[1].

Чорша бахши ғариб кўнгил шоир эди. Шу ғариблиги туганмас бир хазина эди унинг. Чорша бахши фақир ва ҳақир шоир-бахши эди. Шу фақирлиги ва ҳақирлиги адо бўлмас бойлик эди. Чорша бахши бу фоний дунёда ғариб кўнгиллиги, фақирлиги ва ҳақирлиги билан, сўзга, достон, термага бойлиги билан ҳам эл ичида машҳур эди. Чорша бахши Раҳматуллаев уй-рўзғор қилган эмас. Бу дунёга келиб, топган бор бойлиги дўмбира ва сўз эди. Қолган бойликни эса у умр бўйи тан олмади, писанд этмади.

Гурунглари хумор қилса, достонларидан ўқинг. Агар Сиз Чорша бахшининг гурунглари хумор қилса, ундан нашр қилинган «Тошбосар», «Хурсуна», «Ёдгор» деб номланган достонларини, шунингдек ҳали эълон қилмаган «Алпомиш» (Сурхондарё варианти, 800 бетли), Шайх Шоҳи Мардон», «Қир Ёббби», «Маматрайим бахши» «Олланазар Олчинбек[2]« каби қатор достонлари, минглаб термаларини қўлёзма ҳолида ўқиб кўринг, фикр қилинг. «Бахши, сиз ўлманг, яхши ишлар қилибсиз, шунча кўп достон, термалар ёзибсиз, сизга кўп раҳмат!» деб биров елкасига янги тўн ташласа, балки сиз-у биздан хурсанд бўлармиди?

Тўғри, бахшилар етмиш-сакксонга кирганида, кичкина бир йиғин қилиб, баҳоли қудрат бахшининг кўнглига қарамаймиз, бундан хулоса чиқармаймиз. Бахши етмиш ёшингиз қутлуғ бўлсин!» дея олмаймиз. Мана эл севган ва суйган Чорша бахши шундай одам эди: жимгина яшади ва жимгина оламдан ўтиб кетди.

Икки дарё – бири бахши, бири шоир. Сурхандарёнинг маркази Термиз шаҳрида истиқомат қиладиган Шафоат Раҳматулло Термизийни адабиёт ихлосмандлари зўр шоир деб таърифини айтадилар. Шафоат шоир ким эди? Ана шу мақтовли шоир Чорша бахшининг туғишган укаси эди. Бир куни Шафоат ака гурунг орасида шундай деб юборди: О-о-о, Чорша бахши зўр шоир! Мен унинг достонларини ўқиб салоҳиятига, фикр ва хаёл кенглигига, тасаввурининг бепоёнлигига қойил қоламан. Шунча кўп воқеа-ҳодисаларни, номларни, туркий халқларгагина хос бўлган қадимий удумларни, урфларни қаердан билганига ва билиб, эшитиб ҳам эслаб қолганига ҳайронлар қоламан..[3]. Сурхонинг зўр шоири деб тан олинган Шафоат Раҳматулло бу гапларни Чорша бахши укаси бўлганлиги учун ёки тарафкашлик йўсинида айтмади, балки холис туриб, чин баҳосини айтган эди. Биз бунга астойдил ишондик. Чунки биламизки, Шафоат акада тарафкашлик, оғайнибозчилик кайфияти асли ўзи йўқ эди. Билганлар бор, билмаганлар бор, Сурхон элидан икки дарё оқиб ўтди. Бу дарёнинг номини, исми-шарифини Чоршанби бахши ва Шафоат Раҳматулло Термизий эдилар. Ўзбек элининг истеъдодли ва дилбар, ўзига хос шоирларидан бири Шафоат Раҳматулло Термизий 1943 йилда Шеробод туманидаги Каттатут қишлоғида таваллуд топди. Оилада 9 фарзаднинг олтинчиси эди. Шафоат Раҳматулло Термизий бўлишида балким Ўланбулоқнинг ўланлари, Чилвир чўлининг тақирлари, Ойна кўлининг зилол сувлари, ёш шоирнинг онаси бешик бошида айтган аллалари жисмига сингиб кетгандир. Қадим Шеробод бахшилар юртининг тоза ва мусаффо ҳавоси шоир қалбига нодир ва тиниқ оҳанглар олиб кирганлиги ростдир.

Дуолари ижобат бўлди. Раҳматулла бобо сурув қўйлар ортидан юриб, дўмбира чертиб, ўғилларим бахши шоир бўлсин деб йиғлаб Худодан тилаган бўлса, Ойимхол момо урчуқ йигириб, ўғилларим шон-шуҳрат эмас, бахти бутун, юзи ёруғ, мўмин қобил фарзандлар бўлишини Оллоҳдан ўтиниб сўраганлари ижобат бўлганидир.

Раҳматулла бобо ва Ойимхол момолар тўғри туриб, тўғри тилагининг боиси бўлса керак, бир уядана, бир бешикдан икки фарзанд элу-улус фарзандлари бўлиб етишди. Бири қулига дўмбира ушлаб халқ кўнглини хушнуд этди. Бири эса шоир, ҳам тарбиячи-олим-профессорликни гарданига олди. Ҳа, бу улкан ва залворли юкни ҳар ким ҳам олавермайди.

Шоир онаси ҳақида шундай дейди. «Мен ўзимдаги жиндай сифатларнинг кўпи онамдан ўтган бўлса керак деб ўйлайман». Шоирнинг оила-

[1] Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поетик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1998. –Б. 438.
[2] Мустафоқулов Р. Шеробод достончилик мактаби бахшилари, қўлёзма варианти. – Термиз. –Б. 78.
[3] Раҳматуллаев Шафоат билан 1995 йилги суҳбатдан.

сида бахшичиликка қизиқиш жуда зўр бўлган. Катта акаси Бобоқул ҳам ўсмирлик йилларида ўзича бахшичилик қилиб, қўшиқлар айтиб юрган.

Эл ичида бахши деб номи кетган Чоршанби бахши Раҳматуллаев, Термиз давлат университети профессори, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шафоат Раҳматуллаевнинг акаси. Худо Чоршанбига достон-у термаларни айт деб қўлига дўмбира берган бўлса, Шафоатга шеър-у ғазаллар бит дея қалам тутқазган. Бу оила аъзоларига фақирлик ва камтарлик баҳосиз зийнат бўлиб, улар шу зийнатлар оламида яшайдилар. Булар достон-у термалардан, шеър-у ғазаллардан, сўздан бадавлат бўлиб, вояга етдилар, эл ичида маълум ва машҳур бўлдилар.

Ҳасрати-ю севинчи ҳам шеър. Ҳар икки ака-ука дорилфунунларда ўқиб, катта шаҳарларда кутубхоналар титиб, шоир бўлмадилар. Уларнинг неча минг йиллар наридан келаётган ёруғ-ҳасрат, мунгли наволар шоир қилди. Уларни шу қутлуғ Ватаннинг чигал кечмиши, суронлар, баҳодирона ўтмиши, ботирларнинг узоқ асрлар қаъридан келаётган элас-элас ҳайқириқлари шоир қилди. Ака- укалар фақирлик, камтарлик либосидаги шоирлардир. Бисотларидаги энг катта мулк – шеърият. Бошқа ҳеч нарса. Аччиқ кўз ёшларини ҳам, бир ҳовуч севинчларини ҳам шеърга ўраб яшайдилар.

Вақти келди бир уйда дунёга келганлар икки томон кетдилар. Чорша бахши Ангордан манзил қурди. Шафоат эса Термиздан макон топди. Икки ака-ука бамисоли икки дарё бўлиб оқиб ўтди. Шоир Шафоат Раҳматулла Термизий акаси Чорша бахшининг санъаткорлик маҳорати ҳақида тўлқинланиб шундай дейди: «Мен бахшичилик санъатини анча-мунча билганлигим туфайли шуни айта оламанки, ҳозирги даврда жумҳуриятимизда ижод қилиб турган бахшилардан бирон тасида ҳам Чорша бахшичалик чечанликни кўрмайман[1]« дейди.

«Шоир бўлиш хаёлимда йўқ». Балки Шоир Шафоат Раҳматулла Термизийнинг сўз сеҳрига, шеъриятга қизиқишига мана шу оила муҳити биринчи ўринда бахшичилик, дўмбира оҳанглари, асосан, акаси Чорша бахши сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Ҳатто Чорша бахши бугун бир тўйда устозларидан янги бир достонни эшитиб, эртаси куни бошқа бир тўйга бориб, тонг отгунча ўша достонни айтиб бериш қувватига эга экан.

Ш.Рахматуллаев 1960 йили Тошкент давлат Консерваториясининг опера-хор бўлимига ўқишга кирди. «Шоир бўлиш хаёлимда ҳам йўқ эди. Мусиқа, артистлар ҳаёти, театр ва ёшлик ҳавойиликлари ила маст эдик», дейди шоир.

Улар ўқийдиган опера-хор курси Алишер Навоий номидаги катта академик театр спектакларида қатнашишга жалб қилинди. У санъатнинг улкан арбоблари М. Ашрафий, С. Юдаков, Гинзбург, Мели Мусаевлар ишлайдиган эҳромига қадам қўйди. Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Саттор Ярашев каби улуғ артистлар билан ёнма-ён «Майсаранинг иши», «Дилором» каби операторларда рол бажарди. Консерваторияни 1965 йилда битириб, Самарқанд опера ва балет театрига ишга келди. Бу ерда 1966 йилнинг охиригача ишлади ва ўша йилнинг кузида армия сафига чақирилди ва у Туркистон ҳарбий округи «Қўшиқ ва рақс ансамбли»да хизмат қилди.

Ҳарбий хизматда юрт, ватан, оила соғинчи шоир қўлига яна қалам тутқазди. Ҳарбий турмушнинг қийинчиликлари, гўзал театр турмушини соғиниш, дўстлар даврасини қумсаш туйғулари машқлар тизмасидан ўрин олди. У ҳарбий хизматда бир дафтарни қоралаб қайтди. Агар лўнда қилиб айтсак, Шафоатни она юрт соғинчи шоир қилди.

«Элга инъом қилди бисотин». Шоир ўзининг эл назарига тушиб, таниқли шоир бўлиб кетиш воқеасини эслайди: «Бир куни ёзган, ўзимга маъқул шеърларимни машинкалаб, редакцияга кириб бордим. Шоир Теша Сайдалиевнинг ёнларида бургут сиймо бир зот ўтирган эканлар, «Менгзиё, бу йигит Шафоат Рахматуллаев бўлади, яхши шеърлар ёзябди» деб таништирди, Теша ака. Шу-шу мен таниқли ёзувчи ва журналист Менгзиё Сафаров билан ака-ука, дўст бўлиб кетдим. У кишига менинг шеърларим жуда маъқул бўлиб қолдилар[2]« (Камина ҳам ўша йиллари айнан шу редакция остонасини ҳатлаб, шу устозларга шеърларини олиб бориб юрарди).

«1968 йилда Менгзиё Сафаров шоирга собиқ «Ленин байроғи» (ҳозирги «Сурхон тонги») газетаси саҳифасида «Оқ йўл, Шафоат! деб фотиҳа берди»[3]. Ушбу саҳифадан «Шоирнинг бойлиги», «Амуга боқиб», «Олам ҳам», «Баъзан», «Муқаддас», «Жонгинам», «Биламан», «Нечук», «Бир топаси қиммат», «Ёшлик» номли шеърлари ўрин олган эди. Улардан бирида:

Шоирнинг бойлиги, шеъри, гаплари,
Хазина жойлашган сандиқ дафтари.
Элга инъом қилиб бисотин, ул дер,
Истаганча олинг, сизларга бари.

[1] Раҳматуллвев Шафоат шоир билан 1998 йилги.
[2] Мустафоқулов Р. Шафоат Раҳматуллаев Термизий қўлёзма варианти, 10-б.
[3] Ленин байроғи газетаси – 1968 й .

Шафоат Раҳматуллаев Термизий ўз халқи ва она юрти ҳақида, ўз ватанининг тарихий йўллари ҳақида жуда кўп асарлар яратди. «Ўзбегим», «Онажоним», «Ўзбекистон», «Она юрт», «Тазарру» каби шеърларида ўзининг ватани бўлган Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида тўлиб-тошиб куйлайди. Буларнинг ҳаммасини шоирнинг «Ўзбекистон» номли шеърида яққол кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон, улуғ юртсан, заминнинг баҳори сен,
Ўзбекистон, бобо тарих йўлларининг бари сен,
Ўзбекистон, сен Широқлар, Термурларнинг тадбири,
Ўзбекистон, сен Беруний, Навоийлар тақдири.

Ҳа, Ўзбекистон! Бу юрт алломалар ватанидир. Ўзбекистон ҳақида минглаб шоирлар шеър битганлар. Ниҳоят, 1981 йилда «Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат» нашриётида шоирнинг «Жануб шамоли» номли илк шеърий тўплами чоп этилди. Бу шеърият тўплами ўзбек шеъриятида воқеа сифатида қайд этилди. 1968 йили шоир Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинди ва Шафоатнинг ижоди кенг омма эътиборига тушди. «Шафоат – тулпорлари чопганда туёғидан учқун сайрайдиган, дупурлари тоғ хаёлини қочирадиган, кишнашлари эшикларни очирадиган», «Тошдеворлар», «Панжарали дарвозалар», «Меҳмонга қучоқ очадиган», «Нилуфар гумбазлари осмон ичра бир осмон, булоқ сувлари, қизларга кўзгу» бўлган гўзал диёр фарзанди» деб ёзади Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Маҳкам Маҳмудов.

Мухлисларидан бири эса «Сурхон фарзанди Шафоат она диёрининг гўзалликларини мафтунлик билан, ифтихор билан куйлайди. Унинг рангини ташбеҳларга, нозик ҳазил-мутойибага, лиризмга бой шеърларида йигитларнинг тантилиги шўхлиги-ю, қизларнинг нозли ва майин, оловли нигоҳлари ёш қалбларнинг оташин эҳтиростари, ҳаяжон-энтикишлари, мусаффо орзу-хаёллари равшан манзараларида чизилади», дея таъриф берган эди. Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ томонидан инъом этилган бўлса-да, ўзи ҳам тунлар, кунларни, дам олишларни йиғиштириб қўйди. Баҳорда табиат борлиқ ҳодисаларининг ҳаммаси кўзга гўзал кўринади. Ёмғир тушиши ёр кокилидай эшилган, гуллар бода симираётгандай туюлади.

Ёмғир тушар кокилингдай эшилиб,
Турна саси ёғар унга қўшилиб.
Хумор гуллар турар бода нуш қилиб,
Шошил, сен ҳам кет баҳорга айланиб.

«Мен мингинчи шафоатдирман». Умрининг охирги йиллари бўлса керак, уйига борганимда ижод маҳсулларини китоб ҳолига келтириб тикаётган экан. Мен шоирдан сўрадим:

– Нашриётгами?

– Йўқ, имконим бўлмади нашриётдан чоп этишга, шу қўлёзма ҳолида кутубхонага топшираман[1], – дедилар. Топширдими, йўқми? Бундан хабарим йўқ. Бу бойликнинг тақдири қачондир ярқираб, мана мен деб ўз мухлислари қўлига тегади-ю.

Шафоат Раҳматилло Термизий 1941 йили Сурхондарё вилояти Шерабод туманида туғилган. Шеърият дунёси ранг-баранг, серфайз ва мураккабдир. Қувноқ, қайноқ ва жўшқин бу оламга кирган инсонлар қалби янада яшаради, дили яйрайди. Ш.Раҳматуллаевнинг шеърий тўпламлари «Жануб шамоли» (1981 й), Умид остонаси» (1988 й), «Жануб шамоли» (1981), «Умид остонаси» (1988), «Гулоб» (1992), «Озод сўз» (2003 сайланма), «Кўринмай гулладим» (2008), «Шоҳ ва шоир» (2008) каби шеърий асарлари нашр етилган. Мусиқа соҳасига оид «Мусиқа услубиёти» (1991), «Мусиқа алифбоси» (1992), «Бошланғич мусиқа таълими» (2003) сингари қўлланмалари ҳам ўқувчиларга тақдим етилган. Бу тўпламларидан инсонийлик, мангу олам ва унда асрлар оша яшаб, курашиб келаётган инсонлар ҳақидаги мушоҳадалар ўрин олган. Унвон ва мукофотлари: «Шуҳрат» медали (1998), «Ел-юрт ҳурмати» (2003).

Қаршимда намоён Аму жамоли,
Қирғоқдан тош олиб сувга отаман.
Сочларимни ўйнар салқин шамоли,
Сувга термулганча ўйга ботаман.
Минг йиллар бурун ким тош отган унга,
Минг йилдан сўнг боқар унга қай одам.
Минг карра айланар бу сувлар, унда,
Минг йилларни ўйлар боққан киши ҳам.

Бу мисралардан кўриниб турибди, шоир Аму дарёсининг сувига қараб, ўзининг минг йиллик тарихин ва инсониятнинг кейинги ҳаётини ўйлайди. «Катта ва жилвагар, жозибали адабиётимиз шоири. Ш.Раҳматуллаевнинг ўзига хос шеърий гулшани бор. Бу гулшан унинг юрак қонидан, кўз нуридан бино бўлгандир. У сокин тунларни оппоқ тонгларга бардош билан улаш туфайли яралган жозибали шаффоф манзилдир. «Шафоатнинг гулшани унинг шеъриятидир», дейди болалар шоири Болтажон Содиқов.

Ш.Рахматуллаев фалсафий мушоҳадали, ўткир идрокли, чуқур хаёлли, ўйчан ҳис-туйғули шоирдир. У кўп ўқийдиган, хаёл қанотлари билан жаҳонни бир зумда кезиб чиқадиган, лўнда фикрлайдиган, доно ижодкордир. Ш.Раҳматуллаев-

[1] 2015 йил 15 августдаги суҳбатимиздан.

нинг бир тўртлигида акаси Чорша бахши термаларида учраганидек инсоннинг ташқи қиёфасига баҳо бермасликни шеърига сингдиради.

Сиртимга қараб сиз чиқарманг ҳукм,
Билмасдан дилимда нималар ҳоким.
Даврада вақт деган бир донишманд бор,
У ҳали айтади сиз ким-у, мен ким.

Дарҳақиқат, шоирнинг яна бир шеъридан қуйидагича маъно ўқиймиз:

Балки, мен мингинчи Шафоатдирман–
Мен бўлиб мингинчи нусхам пайдодир .
Энди минг бўлагим ўзда бўлса жам,
Ҳали минг бўлагим ҳамма жойдадир.

Шоирнинг жуда кўп ғазаллари арузнинг бош мавзуйи ёрга бағишланган. Шоир улуғ Алишер Навоий, Хоразмий, Атойи ва Бобурлардан илҳомланиб, айтиш мумкинки, бақувват байтлар ижод қилган. Унинг ғазалларида Хазрат Навоий фазилат санаган ва қадрлаган ғазалда фикрлар изчиллиги устиворлигини кўриб, мумтоз адабиётимиз санъати удумларидан чуқур хабардор эканлигидан қувонасан киши. Шеърларимда айтганимдек:

Дилбар қиз қошидай эгилиб чунон,
Осмонда камалак кўрсатди жамол.
Тарк этди фазони қолмади нишон,
Лек аксин қалбларга ўйиб этди ҳол. (Рўзиқул Мустафоқулов)

Шафоат шоир ҳамда акаси Чорша бахши тўплаган ва авлодларига қолдирган мерослари шеърият боғи ва иморатига безак бўлиб, камалакдек нур таратиб турибди. Беш кунлик дунёнинг беш кунлик меҳмонларидан икки ижодкор орамизда йўқ, аммо, маънавий мулки бадиий адабиётнинг бойлигига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Тўлқин отиб, қирғоқлардан қирғоқларга урилиб, ҳайқириб, тўлғониб, мавжланиб, Сурхон воҳасидан икки дарё оқиб ўтди. Уларнинг бири Чорша бахши Раҳматуллаев, иккинчиси эса Шафоат Раҳматулла Термизийдир.

Резюме. Мақолада Сурхоннинг дилбанд фарзандлари, бири шоир, бири бахши Шафоат ва Чоршанби бахши Раҳматуллаевларнинг илмий ва ижодий меросига бағишланган. Ака-ука ижодкорларнинг дилнаво куйлари ва барҳаёт шеърлари минглаб қалбларга берган маънавий озуқаси ҳақида.

Resume. This article explores the scientific and creative legacy of Surkhan's cherished sons: one a poet, the other bakhshi – Shafoat and Chorshanbi bakhshi Rahmatullayev. It highlights how the soulful melodies and vibrant poems of these creative brothers have spiritually nourished thousands of hearts.

Резюме. В этой статье рассматривается научное и творческое наследие любимых сыновей Сурхана: поэта и бахши – Шафоата и Чоршанби бахши Рахматуллаевых. В ней показано, как проникновенные мелодии и яркие стихи этих творческих братьев духовно питали тысячи сердец.